


Газли нефт ва газ қазиб чиқариш

бошқармаси директори ўринбосари

 Л. Абдурахмонов

" 17 " 01 2022 й

Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармасида 2022 йил учун "Хуррият" газетаси ва бошқа газета журнал обунасини ташкиллаштириш бўйича йиғилиш баёни

№ 1

Учкур завод

" 17 " 01/2022 йил

Раислик қилди:

Л.Абдурахмонов – Газли нефт ва газ қазиб чиқариш

бошқармаси директори ўринбосари

Қатнашдилар:

Темиров Ғ.Ё Темиров, Ш.Ш.Жураев, С.Умиров,

Ч.Сайитов, Н.Тошев

КУН ТАРТИБИ:

1.Бошқармасида 2022 йил Хуррият" газетаси ва бошқа газета журнал обунасини ташкиллаштири масаласи

(Темиров Ғ.Ё Темиров, Ш.Ш.Жураев, С.Умиров, Ч.Сайитов, Н.Тошев)

Йиғилишни Газли нефт ва газ қазиб чиқариш директори ўринбосари Л.Абдурахмонов кириш сўзи билан очиб, бошқарманинг мажмуа, кон, цех, бўлим участкалари ва ишчилар шаҳарчаларидаги ишчи-ҳодимларни дам олиш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг маънавий дунё қарашини кенгайтириш мақсадида ҳамда мамлакатимизда ва жамият тизимида амалга оширилаётган ишлар, янгиликлардан кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар имкониятидан самарали фойдаланишини йулга қўйиш бугунги кунда давр талаби эканлигини айтиб ўтди.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичи- янги Ўзбекистонда сўнги йилларда инқилобий ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги, халқимиз, давлат идоралари, вазирликлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар муҳтарам Президентимизга елкадош бўлиб, аҳоли фаровонлигини янада юксалишига сидқидилдан хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

Ўз навбатида, мазкур улкан ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан ходимларни хабардор қилиш, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, айниқса, иқтисодий тараққиётини тарғиб этиш, маънавий-маърифий ҳамда сиёсий саводхонликни янада кучайтиришда оммавий ахборот воситалари, айниқса, босма нашрларнинг ўрни салмоқчилиги тўғриси гапириб, даврий нашрлар обуна бўлиб, бошкармамиз ишчи ходимларига мунтазам равишда етказиб берилишини йулга қўйиш бўйича таклиф берди.

Шундан сўнг “Хуррият” мустақил газетаси таҳририятининг 2022 йил 14 ЯНВАРЬ 7 - сонли хати ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Хуррият” мустақил газетаси ўртасида 2021 йил НОЯБРЬ ойида тузилган меморандумини ўқиб таништирди ва ижро учун қабул қилишини таъкидлаб ўтди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонуний амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3953- сонли қарори иловасининг 16- банди даврий нашрлар (газеталар, журналлар)га, шу жумладан уларнинг электрон вариантларига тўғридан –тўғри шартнома тузиб обуна бўлиш мумкинлигига асаосан “Хуррият” мустақил газетаси ва бошқа газета журналлар билан шартнома расмийлаштириш кераклигини айтиб ўтди.

Юқоридаги масалаларини атрофлича муҳокама қилиб, йиғилиш қарор қилади:

1. “Хуррият” мустақил газетаси ва бошқа газета журнал таҳририятининг 2022. йил 14 ЯНВАР даги 7 сонли хати ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Хуррият” мустақил газетаси ва бошқа газета журнал ўртасида 2021 йил 11 ойида тузилган меморандуми маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Юридик бўлим бошлиғи Б.Қодировга, объектларни бошқариш ва сервис бўлими бошлиғи Ш.Ш.Жураев га:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги қонуний амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3953- сонли қарори иловасининг 16- банди даврий нашрлар (газеталар, журналлар)га, шу жумладан уларнинг электрон вариантларига тўғридан –тўғри шартнома тузиб обуна бўлиш мумкинлигига асаосан “Хуррият” мустақил газетаси ва бошқа газета журналлар таҳририяти билан шартнома расмийлаштирилсин;

3. Ушбу баённома ижросини таъминлаш назорат қилиш объектларни бошқариш ва сервис бўлими бошлиғи Ш.Ш.Жураев зиммасига юклатилсин.

 
Б.Қодиров
Ш.Ш.Жураев




ШАРТНОМА № 44
(Газетага обуна бўлиш тўғрисида)

“14” январь 2022 йил.

Тошкент шаҳри

Низом асосида фаолият юритадиган “Хуррият” газетаси тахририяти номидан бош муҳаррир А.П.Жумакулов, (бундан буён “Тахририят” деб юритилади) бир томондан, _____ асосида фаолият юритаётган Газли нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси (кейинги матнларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан директор Ҳ.Р.Назиров иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар ўртасида қуйидаги мазмундаги мазкур шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1. Мазкур шартномага асосан “Буюртмачи” “Хуррият” газетасига шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган миқдор ва баҳо асосида 2022 йил учун обуна бўлади, “Тахририят” томонидан “Обуначи” тақдим қилган тақсимот асосида газетани йил давомида етказиб бериш мажбуриятини олади. Газета 2022 йил 31 декабрга қадар жами 52 та сон, 8 саҳифада, тўлиқ рангли А-2 ҳажмида чоп этилади. “Буюртмачи” эса нашр учун обуна пулини мазкур шартноманинг 2.1 ва 3.1 бандларига асосан тўлайди.

II. НАШРНИНГ ОБУНА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ:

2.1. Нашрнинг 2022 йил учун “Тахририят” томонидан белгиланган обуна баҳоси Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикасининг вилоят, туман (шаҳар)даги тегишли манзилларига почта орқали етказиб бериш шarti билан қуйидагича белгиланади:

Нашр индекси	Нашр номи	Чоп этиш тили	Формати	Босмадан чиқадиган кун	1 нусха газетанинг йиллик тахририят обуна баҳоси (сўмда)	Нусха сони	ҚҚС сиз	Жами баҳоси
233	“Хуррият”	ўзбек	A2 8 бет	чоршанба	520.000	50 та	—	26 000 000
Сумма сўз билан: йигирма олти миллион сўм								

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. “Буюртмачи”:

— Газета учун обуна пули олдиндан 100 (юз) фоиз миқдорида мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб узоғи билан 10 (ўн) банк иш куни ичида “Тахририят”га пул ўтказиш йўли билан тўлаш мажбуриятини олади, Молия вазирлигининг Ҳазначилик бўлими орқали тўловлар амалга оширадиган ташкилот ва муассасалар узоғи билан 30 (ўттиз) банк иш куни давомида 100 (юз) фоиз ҳажмида тўловни амалга оширишлари лозим.

— “Тахририят”:

— “Буюртмачи”нинг тақсимои асосидаги манзилларга газетани почта бўлими орқали етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. “Буюртмачи”:

— Нашрлар ўз вақтида етказиб берилишини, етказиб бериладиган нашрнинг обуна сони тўлиқлигини “Тахририят”дан талаб қилиш, шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки тўлиқ даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Тахририят”дан белгиланган тартибда талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

3.3. “Томонлар” ўртасида шартнома шартлари бажарилмаган ҳолларда ёки қисман бажарилмаган ҳолларда бу хусусида ўзаро далолатнома тузилади ва ўзаро тасдиқланади, ушбу далолатнома мазкур шартноманинг ижроси юзасидан тегишли ҳуқуқий кучга эга бўлади.

3.4. “Буюртмачи” томонидан шартномада кўзда тутилган тўлов кечиктирилган ҳолларда “Тахририят”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

3.5. “Тахририят” томонидан шартномада кўзда тутилган газета чоп қилинмаганда ёки тўлиғича чоп этилмаган тақдирда ва ёки газета чоп қилинган бўлсада, “Буюртмачи”га етказиб берилмаган ёки қисман етказилмаган ҳолларда “Буюртмачи” томонидан “Тахририят”га ўтказилган маблағ етказиб берилмаган газета учун олинган маблағ тўлиқ қайтариб берилади, қайтариб бериш учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун эса “Тахририят” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

4.1. “Томонлар” мазкур шартнома бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятлари учун амалдаги қонунчиликка асосан жавобгардирлар.

4.2. “Томонлар” мазкур шартномани бир томонлама бекор қилишига йўл қўйилмайди

4.3. Ушбу шартнома бўйича барча тушинмовчилик ва келишмовчиликлар аввало ўзаро музокара йўли билан, бунинг имкони бўлмаган ҳоллардагина амалдаги қонунларга биноан суд тартибида ҳал этилади.

V. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ТАЛАБЛАРИ

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариши доирасида томонлар, шу жумладан, амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлайдилар, ўзлари, уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва бизнес шериклари, воситачилар, субпудратчилар ёки шартномани бажаришда иштирок этувчи агентлар порахўрлик, тижорат порахўрлиги, бериш ёки воситачилик сифатида баҳоланадиган ҳаракат қилмайди (ҳаракатсизликдан сакланмайди), пора олишда, давлат органи, ташкилот ходимига пора беришда давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида ва амалдаги қонун ҳужжатларида ҳамда жиноятдан олинган даромадларни легаллаштириш (легаллаштириш) ва терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳуқуқбузарликка қарши курашиш мақсадида бошқа шартномалар.

5.2. “Томонлар” тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пулни бошқа қимматбаҳо нарсаларни, мулкый, мулкый ҳуқуқларни ёки бошқа моддий ва номоддий неъматларни олиш ва олиш учун таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, сўровлар, розилик беришдан бош тортадилар. Асоссиз устунликка эришиш ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш, шу жумладан, “Томонлар” ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган мақсадларга эришиш учун уларга

—Компаниянинг почта манзилига ёзма сўров юбориш орқали. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида “Томонлар” шу жумладан, амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлайдилар. Ўзлари, уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва бизнес шериклари, воситачилар, субпудратчилар ёки агентларни таъминлайдилар. Шартномани бажаришда иштирок этувчи, пора олиш, пора бериш, воситачилик қилиш ёки воситачилик қилиш каби чоралар кўрмаса (ҳаракатсизликдан бош тортмайди). Пора олишда, давлат органи, ташкилот ходимига пора беришда давлат ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари иштирокида ва амалдаги қонун ҳужжатларида ҳамда жинойтдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳукубузирликка қарши курашиш мақсадида бошқа шартномалар.

Si Rogujob



Hurriyat

Mustaqil gazeta

100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30 уй. Тел: (71) 244-32-68, факс (71) 244-32-80
gazhurriyat@mail.ru info@uzhurriyat.uz t.me/hurriyatuz

№7

2022 йил, "14" январь

**Газли нефть ва газ қазиб чиқариш
бошқармаси бошлиғи
Х.Р.НАЗИРОВга**

Хурматли Хислат Розикович!

Ўзингизга маълум, "Хуррият" газетаси Республикамизда мамлакат Президенти Фармонига асосан ташкил этилган нашр ҳисобланади ва жамиятимиздаги барча янгиликлар, воқеа-ҳодисалар билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жабҳаларда кечаётган кенг қамровли ислохотларни атрофлича ёритиб келмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш муассасалари фаолияти, хусусан Ўзбекистонда ўз ўрнига, нуфузига эга бўлган Сиз раҳбарлик қилаётган Газли нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси тизимида олиб борилаётган ишлар, ўз соҳасининг фидойи мутахассислари, моҳир кончилар ҳақида ҳам газетамизда очерк ва мақолалар чоп этилиб борилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда келгусида ўзаро ижодий ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Сиз раҳбарлик қилаётган бошқарма жамоасини 2022 йил учун газетамизга 50 нусха йиллик обуна бўлишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Ишончимиз комил, газетамизни ўқиб борадиган жамоа аҳлининг бундан бағоят миннатдор бўлади. Сиз маънавиятни, матбуотни қўллаб-қувватлайдиган маърифатли раҳбарлардан эканлигингизни биламиз.

Обуна бўлинган газета йил давомида ўз вақтида етказиб берилиши кафолатланади.

**Хурмат билан,
Бош муҳаррир**

А.ЖУМАҚУЛОВ

Ижрочи: Х.Қодиров
(98)125-67-14.



“Ўзбекнефтгаз» АЖ ва “Хуррият”

мустақил газетаси таҳририяти ўртасида

жамиятнинг фаолиятини ёритиб бориш бўйича ўзаро ҳамкорлик

МЕМОРАНДУМИ

“Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Хуррият” мустақил газетаси таҳририяти (кейинги ўринларда биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойилларига асосан “Хуррият” газетаси саҳифаларида “Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолияти, мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари, ютуқлари ва Жамият томонидан барпо этилаётган иш ўринлари, янги бургулаш ишлари, дунё мамлакатлари билан олиб борилаётган ҳамкорликдаги самарали лойиҳалар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш мақсадида ўзаро ижодий ҳамкорлик тўғрисида келишиб олдилар.

I. Меморандум предмети:

1. Юқоридагилардан келиб чиқиб “Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолиятини ёритиб бориш мақсадида “Хуррият” мустақил газетаси саҳифаларида ҳамда газета таҳририятининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида, газета электрон саҳифаси www.uzhurriyat.uz орқали ахборотларни ўз вақтида оммавий ахборот воситаларига тақдим қилиш ва тарқатиш борасида “Томонлар” ўзаро ахборот олиши мазкур Меморандумнинг асосий предмети ҳисобланади.

II. Ҳамкорлик тартиби ва шакллари:

2. Мазкур Меморандум доирасида самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида **“Хуррият” мустақил газетаси таҳририяти қуйидагиларни амалга оширади:**

“Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолиятини жамиятнинг матбуот хизмати билан биргаликда тайёрланган материаллар асосида мунтазам ёритиб боради;

“Хуррият” газетаси таҳририяти ҳудудлардаги мухбирлари орқали “Ўзбекнефтгаз” АЖга қарашли ташкилот ва корхоналар фаолияти белгиланган тартибда ёритиб борилади;

Таҳририят “Ўзбекнефтгаз” АЖ матбуот хизмати билан ҳамкорликда интервьюлар, мақолалар тайёрлайди ва чоп этади;

“Ўзбекнефтгаз» АЖ қуйидагиларни амалга оширади:

-Жамият фаолиятига тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида тезкорлик билан ёритишни таъминлаш учун “Хуррият” мустақил газетаси таҳририятига тегишли ахборотларни ўз вақтида тақдим қилади;

-Маълумотларни оммавий ахборот воситаларига узатиш тартибини белгилайди;

-Оммавий ахборот воситалари томонидан тайёрланадиган суҳбат ва мақолалар учун “Ўзбекнефтгаз” АЖ матбуот хизмати иштирокини таъминлайди;

-“Хуррият” мустақил газетаси тахририяти томонидан тайёрланиб, ўз манбаларида ёритилган материаллар яъни мақолалар, хабарлар, интервьюлар, фото материаллар учун ҳақ талаб қилинмайди. “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг тизимлари томонидан тақдим этиладиган байрам табриклари, эълонлар, реклама кўринишидаги материалларга алоҳида тўлов йўли билан чоп қилиш бўйича қўшимча шартномалар имзоланади.

III. Меморандумнинг бошқа шартлари:

3. Оммавий ахборот воситаларига узатиладиган материалларнинг мавзули режалари (сухбат, мақола, хабар, фото, видео ва бошқалар) “Томонлар” тарафидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

4. Мазкур Меморандум билан қўйилган вазифаларни тезкор ва сифатли бажариш мақсадида ҳамда амалга оширилиши мобайнида вужудга келадиган баҳсли масалалар “Томонлар” ўртасида ўзаро музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

5. Мазкур Меморандумга “Томонлар”нинг ўзаро ёзма келишувига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда улар мазкур меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

IV. Яқунловчи қоидалар:

6. Мазкур Меморандум ҳар бир томоннинг Меморандумни ижро этиш имконияти йўқлиги (уни рад этиш) ҳақида бир ой олдин ёзма хабар бериши орқали бекор қилиниши мумкин.

7. Ушбу Меморандум Томонлар тарафидан имзоланган пайтдан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабрга қадар амал қилади.

8. Мазкур Меморандум ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада имзоланди.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ

Бошқаруви Раиси

М.АБДУЛЛАЕВ

ноябрь 2021 йил

“Хуррият” мустақил газетаси

Бош муҳаррири

А.ЖУМАҚУЛОВ

ноябрь 2021 йил





O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGI

OMMAVIY AXBOROT VOSITASI
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDA
GUVOHNOMA

№ 0080

Nomi

“Хуррият”

Tarqatish shakli

газета

(gazeta, jurnal va boshqalar)

Til(lar)i

Ўзбек

Muassis(lar)i

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Ixtisoslashuvi Ижтимоий-сиёсий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини

мустахкамлаш, ҳукукий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришга қўмаклашиш


Tahririyat manzili 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 16 уй

Tarqatish hududi

Республика бўйича

Berilgan sanasi 03. 01. 2007й.

Ro'yxatdan o'tkazuvchi
organ rahbari

 B. Sh. ALIMOV

Ushbu guvohnoma «Ommaviy axborot vositalari to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga muvofiq berilgan.

O'zbekiston Respublikasining ommaviy axborot vositalari to'g'risidagi qonun hujjatlarini buzish O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlariga muvofiq jinoiy, ma'muriy, intizomiy va boshqa javobgarlikka sabab bo'ladi.



АСЛИГА ТЎҒРИ